

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ НИЗОМИДДИН ДАМИНОВИЧ

**ВАРИКОЦЕЛЕНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШИНИНГ ТУРЛИ
УСУЛЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of the doctor of philosophy (PhD)

Қодиров Низомиддин Даминович

Варикоцелени хирургик даволашининг турли усулларини
қийёсий баҳолаш..... 3

Кодиров Низомиддин Даминович

Сравнительная оценка различных методов хирургического
лечения варикоцеле 21

Kodirov Nizomiddin Daminovich

Comparative evaluation of various methods of surgical
treatment of varicocele..... 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 43

**САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

САМАРҚАНД ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ҚОДИРОВ НИЗОМИДДИН ДАМИНОВИЧ

**ВАРИКОЦЕЛЕНИ ХИРУРГИК ДАВОЛАШИНИНГ ТУРЛИ
УСУЛЛАРИНИ ҚИЁСИЙ БАҲОЛАШ**

14.00.35 – Болалар жарроҳлиги

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

САМАРҚАНД – 2020

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2019.3.PhD/Tib1056 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Самарқанд Давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) веб-саҳифанинг (www.sammi.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим порталида (www.ziyonet.uz) манзилларга жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Шамсиев Азамат Мухитдинович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Минаев Сергей Викторович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ахмедов Юсуфжон Махмудович
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Киров Давлат Тиббиет Университети

Диссертация химояси Самарқанд Давлат тиббиёт институти хузуридаги PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 рақамли илмий кенгашнинг 2020 йил «23» декабрь соат 16⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18-уй. Тел./факс: (+99866) - 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

Диссертация билан Самарқанд Давлат тиббиёт институти Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (40754 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: Самарқанд шаҳри, Амир Темур кўчаси, 18 – уй. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Диссертация автореферати 2020 йил «17» декабрь куни тарқатилди.
(2020 йил « » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

Ж.О. Атакулов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раис ўринбосари, тиббиет фанлари доктори, профессор

Г.З. Шодикулова

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори

Н.М. Шавази

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш кошидаги Илмий семинар раис ўринбосари, тиббиёт фанлари доктори, профессор



КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. ЖССТ маълумотларига кўра, «... ҳозирги кунда эркакларда учрайдиган бепуштлик этиологияси деярли 30 та сабаб билан ифодаланган. Бу ҳолда, идиопатик шакли барча ҳолатларнинг 16-25% га тўғри келади ва варикоцеле 9-40% беморларда бепуштлик сабаби бўлиб ҳисобланади»¹. Ушбу кўрсаткичлардаги бундай катта фарқлар вазиятнинг зиддиятли хусусиятидан далолат беради. 10-18 ёшдаги болалар ва ўсмирлар орасида варикоцеленинг тарқалиши 19% га етади. Варикоцелени эрта аниқлаш фертил бузилишларни ўз вақтида бартараф этиш ва бола кўриш ёшида репродуктив фаолиятни сақлаб қолиш имконини беради. Ўсмирлар, бўлажак оталар сифатида, демографик салоҳиятни ижтимоий жиҳатдан ифодалайди. Шунинг учун бу касаллик нафақат тиббий, балки ижтимоий-демографик нуқтаи назардан ҳам кўпроқ эътиборни жалб этади.

Жаҳонда ушбу патологиянинг ривожланиш сабабларини, унинг тарқалиши ва даволаш усулларини ўрганишга қаратилган бир қатор тадқиқотлар олиб борилмоқда. Илгари тавсия этилган турли хил жарроҳлик усулларидан сўнг варикоцеленинг қайта кузатилиши ва унинг бошқа асоратларини юқори фоизда учраши, эндоваскуляр даволаш ва микрохирургик субингуляр варикоцелэктомия каби усулларнинг клиник амалиётда кенг жорий этиш учун рағбатлантирувчи омилга айланди. Бу жарроҳлик муолажалар ўзининг юқори самарадорлигини кўрсатди. Шу билан бирга, урологлар орасида варикоцелени жарроҳлик йўли билан бартараф этишнинг мақбул усули тўғрисида якка фикр мавжуд эмас.

Ҳозирги кунда давлатимиз томонидан соғлиқни сақлаш соҳасида сифатни тубдан яхшилаш ва аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдам турларини сезиларли даражада кенгайтириш бўйича кенг кўламли мақсадли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Шу билан бирга, варикоцеле туфайли бепуштлик билан оғриган беморларга кўрсатиладиган ёрдамни яхшилаш мақсадида жарроҳлик амалиётидан сунг касалликнинг узок муддатли қайта такрорланишининг олдини олиш самарадорлигини баҳолаш учун далилларга асосланган натижалар керак. «Ўзбекистон Республикаси ривожланишининг 2017-2021 йиллардаги бешта устувор йўналишлари бўйича ҳаракатлар стратегияси»² да аҳолининг заиф тоифаларига тиббий-ижтимоий ёрдам кўрсатиш тизимини ривожлантириш ва такомиллаштириш, уларнинг тўлақонли ҳаёт кечиришини таъминлаш бўйича вазифалар белгиланган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-5590-сон «Ўзбекистон Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора тадбирлари тўғрисида»ги фармони, 2017 йил 20 июндаги ПҚ-3071-сон «Ўзбекистон Республикаси аҳолисига

¹World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2018/en/statistics.htm>, 2018.

²Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

2017-2021 йилларда ихтисослаштирилган тиббий ёрдамни янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори, ҳамда меъёрий-хукуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга мазкур диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотларнинг Республикада фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация тадқиқоти VI «Тиббиёт ва фармакология» Республика фан-техника тараққиётининг устувор йўналишига мувофиқ амалга оширилди.

Муаммони ўрганилганлик даражаси. Варикоцеле билан касалланган беморларни жарроҳлик даволаш натижаларини ўрганиш, диагностика ва жарроҳлик тактикасини ишлаб чиқиш, касаллик қайталанишининг олдини олиш бўйича чора-тадбирлар мажмуасини яратиш, ушбу муаммонинг долзарб йўналишлардан бири ҳисобланади.

Хирургик даволашнинг мавжуд усуллари барча ҳолларда ҳам беморни бепуштликдан қутқармайди ва касалликнинг қайталанмаслигини кафолатлай олмайди. Шундай қилиб, Жуков О.Б ва б. (2016)., Dunphy L. (2019)., фикрларига кўра, «чап буйрак вена чиқиш жойининг босилиши (аорто-мезентериал пинцет) туфайли юзага келган чап буйрак веноз гипертензияси, чап мойк венаси орқали ретроград қон оқими ривожланишига олиб келади ва натижада варикоцеле ривожланади». Шунинг учун ҳозирги кунгача жарроҳлар орасида чап уруғ венасини боғлаш патогенетик жиҳатдан асосланган даволаш усули деган фикр мавжуд, чунки варикоцеленинг асосий сабабларидан бири чап буйрак венаси тизими орқали веноз чиқишининг бузилиши ва унинг клапан етишмовчилигидир. Бироқ, бу ҳолат соғлом одамларда ҳам бўлиши мумкин, шунинг учун нима сабабдан варикоцеле касаллиги ҳаммада кузатилмаслиги халигача аниқ эмас. Жарроҳлик усуллариининг кўплигига қарамасдан, варикоцелени даволашнинг оптимал йўлини танлаш мунозара мавзуси бўлиб қолмоқда. (Гуревич А. И., 2016., Расулов Ж.Д., 2019). Охирги йилларгача урология ва болалар хирургиясида варикоцелени даволашнинг умумий қабул қилинган усули Иваниссевичнинг ретроперитонеал бўшлиқдаги мойк веналарини боғлаш муолажаси энг асосли усул деб ҳисобланган эди. Лекин, Иваниссевичнинг жарроҳлигидан кейин, айниқса, педиатрия амалиётида - 43% гача қайталаниш ҳолатларининг учраши, варикоцелени даволаш натижаларини яхшилашга қаратилган янги, модификацияланган усулларни излашга сабаб бўлди. Қайталанишларнинг юзага келишини мойк венасининг кичикроқ вена-сателлитлари, коллатераллари, ҳатто асосий ёки қўшимча магистралларнинг боғланмай қолиши билан изоҳланмоқда.

Замонавий адабиётлар таҳлили шуни кўрсатадики, даволашнинг жарроҳлик усуллари орасида билвосита (мойк, мойк пардалари ва уруғ тизимчасида, кремастер ва бошқа тузилмалар) ва бевосита (уруғ тизимчаси томирлари) жарроҳлик даволаш усуллари мавжуд. Бундан ташқари, варикоцелени жарроҳлик даволашида, бу усуллар комбинациясидан фойдаланиш мумкин. «Бироқ, олинган паллиатив натижалар табиати ва тақрорланиш ва жарроҳликдан кейинги асоратлар юқори даражаси

варикоцелени билвосита даволаш усуллари кенг фойдаланишини чеклади» (Barak S., 2016). Иванисевич ва Паломо жарроҳлигидан сўнг кесилган венада қон айланиши турли анастомозлар орқали айланма йўл билан тикланиши мумкин. Натижада, касаллик қайталаниши 10 дан 87% гача ҳолатларда кузатилиши мумкин (Chung J., Lee S., 2018). Баъзи урологларнинг фикрига кўра, варикоцеленинг даражасидан қатъий назар, Иванисевичнинг жарроҳлиги веноз буйрак гипертензияси, чап буйрак венасининг ва чап буйрак венаси чиқиш жойининг стенози ўртача аорто-мезентерик компрессияси мавжуд булмаган беморларда ўтказилади, бу ўзгаришлар эса чап ва ўнг буйрак веналарининг чап томонлама флеборенотестикулография ва ўнг буйрак веналарининг тензиография усули ёрдамида жарроҳликдан олдин аниқланади. Chung J. M., Lee S. D. (2018) фикрларига кўра, Иванисевич жарроҳлиги икки ҳолатда бажарилиши керак: «жарроҳлик натижаси бемор учун катта аҳамиятга эга бўлмаганда ёки бошқа усулни танлаш учун моддий имконияти чекланганда. Бошқа барча ҳолатларда жарроҳликларнинг бошқа турларидан бири афзал бўлиш керак». Шундай қилиб, жарроҳликнинг оптимал усулини танлаш ва уни амалга ошириш усулини танлаш долзарбли муаммо бўлиб қолмоқда.

Адабиётлар таҳлили натижасига кўра, ҳозирги кунда варикоцелени диагностика ва даволаш тактикасини танланиши замонавий соғлиқни сақлаш энг долзарб ва ечилмаган муаммоларидан биридир. Шу муносабат билан, операциягача даврда патологик веноз рефлюкс гемодинамик турларини баҳолаш имконини берадиган ноинвазив тиббий кўрик усуллари, ахборот мазмунига қараб, варикоцелени радикал жарроҳлик аралашуви мезонларини кўриб чиқиш эҳтиёжи мавжуд ва касалликнинг тажовуз белгиларини аниқлаб, ҳар бир конкрет ҳолатда жарроҳлик даволашни энг радикал тактикасини танлаш мақсадида диагностика алгоритмини оптималлаштириши лозим. Шу муносабатдан, операциядан олдинги босқичда патологик веноз рефлюкснинг гемодинамик турларини баҳолашга имкон берадиган тиббий тасвирнинг ноинвазив усуллари ахборот таркибига қараб варикоцеле учун жарроҳлик аралашувининг мезонларини қайта кўриб чиқиш зарурияти юзага келиб чикди. Ҳар бир аниқ ҳолатда жарроҳлик даволашнинг энг радикал тактикасини танлаш учун касаллик тажовузкор белгиларини аниқлаш ва улар асосида диагностика алгоритмини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқотлари Самарқанд давлат тиббиёт институтининг «Варикоцеле билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва хирургик даволашнинг такомиллаштирилган усуллари ишлаб чиқиш» мавзусидаги тадқиқот режаси доирасида амалга оширилди (2014-2018 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади болаларда варикоцеле касаллигини ташхислашда дифференциал ёндашувни ишлаб чиқиш ва жарроҳлик даволаш натижаларини яхшилашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

болаларда варикоцеледа энг кўп ишлатиладиган Иванисевич, Паломо жарроҳликлар даволаш натижаларини таҳлил қилиш ва касалликнинг қайталаниш сабабларини аниқлаш;

варикоцеледа чап мойк венасининг морфологик ўзгаришларини таҳлил қилиш;

варикоцелени жарроҳлик даволашдан кейинги яқин ва узоқ муддатли натижаларини баҳолаш;

чап мойк венаси склеротерапиясини амалга ошириш усулини ишлаб чиқиш;

варикоцеле такрорланишининг стратификацион хавфини ҳисобга олиб, касал болаларни олиб бориш, даволаш-тактик алгоритмини яратиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 2-клиникасида 1998 йилдан 2018 йилгача 376 нафар варикоцеле билан касал бўлган болалар ва уларнинг жарроҳлик даволаш маълумотлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети варикоцеле билан оғриган беморларнинг клиник, лаборатор, морфологик ва УЗДГ тадқиқотларнинг натижаларидан ташкил топган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот мақсадига эришиш ва қўйилган вазифаларни бажариш учун қуйидаги усуллардан фойдаланилди: умумий клиник (умумий қон ва сийдик таҳлили, қон биокимёси, ЭКГ, уруғ веналарнинг УТ-доплерографияси, эякулят таҳлили, морфологик, морфометрик ва статистик тадқиқот усуллари.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

варикоцелени антеград эндоваскуляр техника ёрдамида чап мойк венасига склерозловчи модда киритиш йўли билан жарроҳлик даволаш усули такомиллаштирилган;

уруғ тизимчаси томирларидаги гистоструктуравий ўзгаришларни баҳолаш билан бирга варикоцеледа уруғ веналарига хос патоморфологик хусусиятлар аниқланган;

варикоцеле билан оғриган беморлар организмнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда даволаш-диагностик алгоритми ишлаб чиқарилган;

бирламчи жарроҳликда йўл қўйилган техник хатолар баҳоланган, варикоцелени қайталанишига олиб келувчи анатомик ва морфологик хавф омиллари аниқланган;

турли хил варикоцелэктомиялардан кейин эркакларнинг репродуктив ҳолатини баҳолаш ва прогноз қилиш бўйича дастур ишлаб чиқарилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилар иборат:

даволаш тактикасининг алгоритмини ҳисобга олиб, варикоцелэктомияни минимал инвазив усулда бажариш учун таклиф қилинган қўрсатмалар аниқланган;

УТ-доплерография усулидан фойдаланиш варикоцеленинг турли хил гемодинамик рефлюксларини даволашда оптимал жарроҳлик тактикасини танлаш имкониятини беришиши исботланган;

варикоцелени қайталаниш частотасини камайтириш, жарроҳлик вақтини қисқартириш ва фертил вазифани тиклаш имконини берувчи жарроҳлик даволашнинг усули такомиллаштирилган;

даволашнинг узок муддатли натижаларини назорат қилиш мақсадида, варикоцеле туфайли ўтказилган турли хил жарроҳликлардан сўнг эркакларнинг репродуктив ҳолатини баҳолаш ва тахмин қилиш кўлами такомиллаштирилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги замонавий, амалиётда кенг ишлатиладиган лаборатор, ультратовуш ва морфологик тадқиқотлар ишлатилганлиги билан тасдиқланади. Барча натижалар ва хулосалар тиббиёт тамойил далилларига асосланган. Статистик қайта ишлаш натижаларининг ишончлилигини тасдиқланган.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти варикоцеленинг такрорланишини олдини олишга имкон берадиган антеград эндоваскуляр техника ёрдамида чап мойк венасига склерозли препаратни киритиш билан варикоцелени жарроҳлик йўли билан даволаш усулини ишлаб чиқишда, шунингдек, организмнинг индивидуал хусусиятларини ҳисобга олган ҳолда варикосел билан касалланган беморларни олиб бориш бўйича терапевтик ва диагностик алгоритм ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шундан иборатки, турли даражадаги тиббиёт муассасаларида, таклиф қилинган алгоритм қўллаш ва ультратовушли доплер текширув натижаларини ҳисобга олиб, варикоцелектомияни минимал инвазив усулда бажариш, хар хил гемодинамик рефлюксларни даволашда оптимал жарроҳлик тактикасини танлашини, такрорланиш частотасини камайтиришини ҳамда операция вақтини қисқартиришини таъминлайди ва узок муддатда фертил функциянинг нормал шаклланишини билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши.

Варикоцеле билан оғриган беморларга ташхис қўйиш ва жарроҳлик даволашни такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқот натижалари асосида:

«Варикоцеле билан оғриган беморларни юритиш алгоритми» номли услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 04 октябрь, 2019 йилдан 8н-р/391 маълумотномаси). Мазкур тавсиянома гемодинамик турини ҳисобга олган ҳолда варикоцелени жарроҳлик йўли билан даволаш тактикасини танлашни оптималлаштириш имконини берган;

«Варикоцелени даволаш усули»га Интеллектуал мулк агентлигининг ихтиро учун патенти олинган (Интеллектуал мулк агентлиги №IAP 04234, 2010 йил). Ишлаб чиқарилган усул соғлиқни сақлашнинг клиник амалиётида, хусусан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-ва 2-клиникаларидаги жарроҳлик бўлимларида кенг татбиқ этилиб, варикоцелени қайталаниш ҳолатларини 15,2% дан 1,5% гача камайтириш имконини берган;

варикоцеле билан касалланган беморларни диагностика қилиш ва жарроҳлик даволаш сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар Соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Самарқанд давлат тиббиёт институтининг 1-ва 2-клиникалари жарроҳлик бўлимларида, Самарқанд шаҳар тиббиёт бирлашмаси ва Бухоро вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалиётига жорий этилган (Соғлиқни сақлаш Вазирлигининг 8н-з/58-сон маълумотномаси). Натижада бевосита жарроҳликдан кейинги асоратлар частотасини ва қайталаниш даражасини камайтириш орқали кўрсатилаётган ёрдам сифатини ошиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 8 та илмий-амалий конференцияда, жумладан, 6 та халқаро ва 2 та миллий анжуманларда муҳокама қилинди.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича 22 та илмий иш, шу жумладан 8 та журнал мақолалари, шундан 6 таси маҳаллий ва 2 таси хорижий Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулосалар, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертация ҳажми 101 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида тадқиқотнинг долзарблиги ва талабчанлиги, тадқиқот мақсади ва вазифалари, унинг объекти ва предмети хусусиятлари шакллантирилган; тадқиқот лойиҳасини Ўзбекистон Республикасида фан - техника тараққиётининг устувор соҳаларига мослиги, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва амалий аҳамияти ҳақида маълумот берилган, шунингдек, тадқиқот натижаларини синовдан ўтказиш ва нашр этиш, ҳамда диссертация тузилиши ҳақида маълумот берилган.

Биринчи бобда **«Варикоцеле: муаммонинг ҳолати ҳақида замонавий қарашлар (Адабиётлар шарҳи)»** да ўрганилаётган муаммо бўйича етарли миқдорда замонавий маҳаллий ва хорижий илмий адабиётлар талқини келтирилган ва таҳлил қилинган. Адабиётлар талқинидан маълумки, муаллифлар томонидан олиб борилган кўплаб тадқиқотларга қарамасдан, варикоцеле муаммоси ҳозирги вақтда ҳам ҳал қилинмаган, шунинг учун макро ва микроскопикдан то экспериментал ва клиник даражаларгача интенсив турли хил илмий ишлар олиб борилиш заруриятини белгиланди. Варикоцеленинг гормонлар сатҳи ва жинсий фаолиятга салбий таъсири тўлиқ ўрганилмаган. Эркаклар бепуштлиги, гипогонадизм ва жинсий қувватсизлик патогенезида варикоцеленинг роли ҳам ҳали тўлиқ тушунилмаган. Охириги тадқиқотларга кўра, эркакларда варикоцеле ва жинсий қувватсизликни ташхислаш ва даволаш учун ҳеч қандай аниқ мезонлар йўқлиги кузатиб бориляпти.

Диссертациянинг иккинчи бобида **«Материалларнинг клиник хусусиятлари ва қўлланилаётган тадқиқот усуллари»** текширилаётган

беморларнинг умумий хусусиятлари ҳамда қўлланилаётган тадқиқот усуллари ҳақида маълумотлар берилган. Олиб бораётган иш СамДТИнинг 2-клиникасида 1997 йилдан 2018 йилгача муддат оралиғида 376 та чап томонлама варикоцеле билан даволанган беморларнинг натижалари асосида ўтказилган. 376 та бемордан 363 тасида (96.5%) биринчи марта ва 13 тасида (3.5%) эса қайталанган варикоцеле аниқланган. Беморлар 11 ёшдан 18 ёшгача бўлган. Беморларнинг ўртача ёши $16,5 \pm 2,3$ ёшни ташкил этди. Хирургик аралашув муолажа усулига қараб беморлар 2 гуруҳга ажратилган эди. 1997-2010 йилларда 181 та (48,1%) беморда анъанавий жарроҳлик аралашувлари (Иванисевич ёки Поломо жарроҳликлари) ўтказилиб, улар таққослаш гуруҳини ташкил этди. 2008 йилдан 2018 йилга қадар 195 та (51,9%) бемор асосий гуруҳга киритилган бўлиб, уларга субингвинал селектив жарроҳликлар (антеград эндоваскуляр склеротерапия ва Мармар жарроҳлиги) ўтказилди.

26 та мутлақо (**назорат гуруҳи**) соғлом болалар танланиб, уларнинг мойк веналарининг УТТ ва УТДГ натижасида олинган маълумотлари меъёрий деб олдинди. Бундан ташқари, 20 ёшдан катта 17 та варикоцеле билан оғриган эркаклар текширилиб, уларда жарроҳликдан олдин ва кейин спермограммаси ўрганилиб чиқилди.

Варикоцеле ташхиси билан қабул қилинган барча беморлар клиник, лаборатор ва инструментал текширишлар мажмуасидан ўтказилди.

Ёрғоқнинг ультратовуш текшируви беморнинг орқа томонида ётган ҳолда, горизонтал ҳолатида амалга оширилди, бу текшириш усулини бажариш учун дастлабки тайёргарлик талаб қилинмайди. Барча ҳолларда иккала мойк албатта текширилиб, қиёсий баҳолашга имкон берди. Мойк венасининг ҳолатини баҳолаш учун барча беморларда ультратовуш доплерография (УТДГ) ўтказилди. Венанинг диаметри ўлчанди ва рефлюкс тўлқин давомийлиги ҳам тинч ҳолатда, ҳам Валсалва синамаси фониди аниқланди. Сперматогенез ҳолати ЖССТ тавсиялари стандартларига мувофиқ баҳоланди. Морфологик тадқиқотлар Самарқанд давлат тиббиёт институти СамМИ 1-клиникасининг патологоанатомик лабораториясида ва акад. В. Вахидов номли РИИАТХМ базасида ёруғлик микроскопида 400 мартагача катталаштириш ва гематоксилин-эозин бўялиши билан ўтказилди. Варикоз кенгайган уруғ веналарини ўрганиш учун жарроҳлик пайтида уларнинг қисмлари ҳам олинган.


Диссертациянинг учинчи бобида **«Варикоцеледа веналар деворларидаги структуравий ўзгаришлар»**, ўтказилган морфологик тадқиқотлар варикоцеледа веналар деворларидаги бир қатор структуравий ўзгаришларини намоён этди.

Биринчидан – уруғ тизимчаси веналари тугуни (rampiform venous plexus) деворларининг бир бирига бирлашишидир. Бироқ бирлашиш зонасида яққол t. Adventitia қатлами йўқ. Веналарнинг яна бир хусусияти, t. Adventitia билан атрофдаги бириктирувчи ва ёғ тўқималари қўшилиши натижасида, веноз чигал учун умумий қобик ҳосил бўлишидир.

Бу ўзгаришлар турли соҳаларда томирлар ички юзасининг нотекис кенглиги билан бирга кечади. Варикоцеледа вена деворларининг кейинги альтератив хусусияти *t. Media* ва *t. Adventitia* ўртасидаги бўйлама жойлашган силлиқ мушак толалари тўплами пайдо бўлишидан иборат.

Веналарнинг яна бир хусусияти уларнинг ичида тромбларнинг ҳосил бўлишидир. Шу билан бирга, ЁЭМ тадқиқотлари, томир ички юзасида эритроцитлар ва бошқа қон таначаларнинг фибрин толалари орқали бирикиши, тромбларнинг ҳосил бўлиш эхтимолини оширадиган омил эканлигини кўрсатди. Бундан ташқари, бу чўкиндилар тўлиқ эндотелий қопламасида жойлашган бўлиши мумкин, лекин кўпроқ эндотелийсиз соҳаларда топилган. Бу қонни секинроқ оқишига ва мойк тўқимасининг гипоксиясига олиб келиб, ўз навбатида эркакларда бепуштлик сабаби бўлиши мумкин.

Қоннинг шакли элементларининг аниқланган жамланма орасида эритроцитлар устунлик қилди ва уларнинг патологик шакллари эхиноцитлар эканлиги аниқланди (1-расм).



Расм. 1. Дискоцитлар ва эритроцитларнинг патологик шакли (эхиноцитлар), Венанинг ички юзасида фибрин толалари. ЁЭМ -3000

Варикоцеледа аниқланган тузилмавий ўзгаришларни, уруғ тизимчасининг токсимон чигалининг веналарининг деворларини (*rampiform venous plexus*) ёпишишини ва юқорида айтиб ўтилган хусусиятларни жарроҳлик йўли билан даволашда эътиборга олиш керак.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Болаларда варикоцеленинг клинико-диагностик мезонлари**» да варикоцеленинг клинико-анамнестик хусусиятлари, жарроҳлик даволашнинг диагностик усуллари ва натижалари келтирилган.

Асимптоматик варикоцеле билан оғриган беморларнинг ҳаммасига ҳам жарроҳлик муолажаси килинмаган эди, фақат II ва III даражали касалликда жарроҳлик амалиёти ўтказилди. Варикоцеле касаллигининг I даражасида

юқоридаги клиник белгиларидан бири бўлгандагина беморлар жарроҳлик йўли билан даволанган. Клиник белгиларнинг қиёсий таҳлили (жадвал.1) шуни кўрсатдики, варикоцеленинг белгисиз кечиши барча текширилган беморларнинг 328 тасида (81.4%) аниқланди, яъни энг катта гуруҳни ташкил этди.

Жадвал 1.

Тадқиқот гуруҳларида варикоцеленинг аниқланган белгилари

Белгилари	Таққослаш гуруҳи (n=181)	Асосий гуруҳ (n=195)	(n=195)
Белгисиз кечиш	156 (81,7%)	172 (81,1%)	328 (81,4%)
Чап чов ва мойк соҳасиларида оғриқ ва ноқулайлик сезиш	17 (8,9%)	16 (7,6%)	33 (8,2%)
Ёрғоқ катталашини	11 (5,8%)	15 (7,1%)	26 (6,4%)
Мояк гипотрофияси	7 (3,6%)	9 (4,2%)	16 (4,0%)
Жами	191 (100%)	212 (100%)	403 (100%)
$\chi^2=0,583$; критик қиймат $\chi^2 =7,815$ ($p<0,05$); $p=0,901$ ($p>0,05$)			

Изоҳ: бир вақтда бир беморда 2-3 та белги кузатилди.

2010 йилгача варикоцелэктомия қилишда фақат анъанавий, умумий қабул қилинган усуллардан фойдаланилган. Таққослаш гуруҳидан 103 (56,9%) нафар бемор Иванисевич, 78 (43,1%) нафар бемор эса Паломо жарроҳлик усуллари билан даволандилар.

2008 йилдан бошлаб варикоцелени жарроҳлик йўли билан даволаш учун касалликнинг клиник кечиши ва гемодинамик турига қараб ҳар бир бемор учун индивидуал, дифференциал ёндашувни танлаш мумкин. Асосий гуруҳдан 57 та (29,2%) илео-тестикуляр рефлюксга (II тур) ва илео-тестикуляр гемодинамика (III Б тури) устунлиги билан аралаш патологик рефлюксга учраган беморларда, шунингдек гемодинамик туридан қатъий назар, такрорий варикоцеле 9 (4,6%) беморларда Мармар субингвинал, селектив микрожарроҳлик операцияси ўтказилди.

Асосий гуруҳдаги барча беморларда бирламчи варикоцеленинг реносперматик I турида (106 – 82,2%) ва аралаш турининг реносперматик рефлюкс (III А тури – 23-17.8%) устунлигида чап мойк венасининг (ЧМВ) антеград эндоваскуляр склеротерапияси ишлатилди.

Биз томонимиздан ишлаб чиқилган варикоцелэктомия усули - ЧМВ антеград эндоваскуляр склеротерапияси, варикоцелени даволашнинг кичик инвазив усули бўлиб (ихтиро учун патент №IAP 04234, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги «Варикоцелени даволаш усули»), патологик қон оқимининг патогенетик жиҳатдан тўлиқ узилиши туфайли жарроҳликдан кейинги асоратлар ва касалликнинг қайталаниш эҳтимоллини сезиларли даражада камайтиради.

Тавсия этилган усул бир қатор афзалликларга эга:

- кичик инвазив;
- Қиммат ускуналар талаб қилмайди - иқтисодий жиҳатдан самарали;

- Буйрак венасига склерозловчи модда киришини ва уни рефлюкс оқимини токсимон чигал веналарига оқишини бартараф қилади.
- Жарроҳликдан кейинги асоратларни ва касалликнинг қайталанишини ишончли тарзда олдини олади;
- Беморлар учун шифохонада ётиш муддатлари қисқаради

Диссертациянинг бешинчи бобида «**Варикоцелени жарроҳлик йўли билан даволашнинг бевосита натижаларини қиёсий баҳолаш**» Болалардаги варикоцелени жарроҳлик даволаш натижалари касалликнинг ташқи клиник кўринишлари инволюцияси даражаси билан баҳоланади. Тинч ҳолатда варикозли кенгайган веналар пайпасланмаса, шунингдек, ортоклиностик ва Валсалва тестида кўринмайдиган ва сезилмайдиган бўлиб қолса, шу вақтда операция муваффақиятли ҳисобланади.

Варикоцелени жарроҳлик даволаш тактикасини танлаш, муолажа ўтказиш техникаси, жарроҳлик травматизмини камайтириш ушбу тоифадаги беморларни олиб бориш натижаларига жиддий таъсир кўрсатди. Шундай қилиб, 2005-2010 йилларга нисбатан операциядан кейинги асоратлар частотаси 5 марта камайди 5,5% дан 0,5% гача. Моякда оғриқ ва безовталиқ (2 марта), мояк гипотрофияси ва гидроцеле (5 марта) каби асоратлар учрашиш эҳтимоли камайди. Қиёсий гуруҳдаги операциялар натижасида 5та (2,8%) беморда 6 ойдан сўнг чап моякнинг гидроцелеси аниқланди. Операциядан 6 ой ўтгач чап моякнинг гипотрофияси таққослаш гуруҳининг 5та (2,8%) боласида ва асосий гуруҳнинг фақат 1та (0,5%) касалида, 7 ойдан сўнг, чап моякнинг истисқоси кузатилди. (Жадвал 2).

Жадвал 2

Варикоцелэктомиядан кейинги беморларда жарроҳликдан кейинги асоратлар частотаси

Асорат тури	Беморлар гуруҳи				Жами, n=376	
	Таққослаш гуруҳи n=181		Асосий гуруҳ n=195			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Мояк гипотрофияси	5	2,75	-	-	5	1,3
Гидроцеле	5	2,75	1	0,5	6	1,6
Асоратли беморлар сони	10	5.5	1	0,5	11	2,9
$\chi^2=1,977$; критик қиймат $\chi^2=9,488$ ($p=0,05$); $p=0,741$ ($p>0,05$)						

Варикоцелени жарроҳлик йўли билан даволашда ультратовуш ва ультратовушли доплерография текшируви 376 та беморлардан фақат 236 тасида (таққослаш гуруҳда 105 ва асосий гуруҳда 131 беморларда) тўлиқ бажарилди. Варикоцеледа жарроҳлик даволаш муолажа натижаларини баҳолашда ноинвазив ва информатив усулларнинг, яъни ультратовуш ва доплерографиялардан фойдаланиш ушбу тадқиқотда эҳтиёж борлигини кўрсатди.


Узоқ муддатли натижалар варикоцеле билан жарроҳлик қилинган 376 та беморлардан 236 (62.8%) тасида таҳлил қилинди (Жадвал 3).

Жадвал 3

Жарроҳликдан кейинги узоқ муддатли даврда кузатилган беморлар сони

Гемодинамик тури	Таққослаш гуруҳи n=105		Асосий гуруҳ n=131				Жами (n=236)	
			АЭС ЛТВ (n=89)		Жарроҳлик Мармар (n=42)			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%	абс.	%
I тур	17	16,2	78	59,5	4	3,0	99	41,9
II тур	5	4,8	-	-	32	24,4	37	15,7
III А тур	2	1,9	11	8,4	-	-	13	5,5
III В тур	1	0,9	-	-	6	4,6	7	3,0
Жарроҳлик олди даврда гемод.тур аниқланмаган	80	76,2	-	-	-	-	80	33,9

$\chi^2=130,970$; критик қиймат $\chi^2=13,277$ ($p=0,01$); $p<0,001$ ($p<0,01$) АЭС
 $\chi^2=105,744$; критик қиймат $\chi^2=13,277$ ($p=0,01$); $p<0,001$ ($p<0,01$) Мармар
 $\chi^2=151,152$; критик қиймат $\chi^2=13,277$ ($p=0,01$); $p<0,001$ ($p<0,01$) Срав.гр



Расм. 1. Қайталанувчи варикоцеле бўлган беморларда гемодинамик типлар.

Узоқ муддатли натижаларни баҳолаш учун беморлар мукамал сўров, амбулатор ва стационар текширувлардан ўтказилди. Узоқ муддатли натижалар 1 йилдан 12 йилгача бўлган даврда ўрганилди. Варикоцеледа жарроҳлик аралашувининг самарадорлигини тавсифловчи асосий кўрсаткичлардан бири касалликнинг қайталаниш частотаси ҳисобланади. Қайталаниш табиатини ўрганишда варикоцеленинг гемодинамик тури таққосланди. Жарроҳликдан кейинги даврда узоқ муддатли натижалар

кузатиладиган 236 беморлардан 156 (66.1%) тасида жарроҳлик олди даврда Coolsaet (1980) бўйича патологик веноз рефлюкснинг гемодинамик тури аниқланган, таққослаш гуруҳидан эса 80 (33.9%) та беморларда жарроҳлик олди даврда гемодинамик тури аниқланмаган.

Варикоцеленинг қайталаниши 236 та узоқ муддатли даврда текширилган беморларнинг 18 (7,6%) тасида қайд этилган бўлиб, 2005-2010 йилларда жарроҳлик қилинган беморлар гуруҳида эса бу кўрсаткич 15.1% га етди. Кейинчалик юқорида айтиб ўтилган инновациялардан ва касалликнинг олдини олиш тадбирларидан фойдаланиш туфайли асосий гуруҳ беморларида касалликнинг қайталаниш частотаси 1,5% гача камайтирилди (Жадвал 5).

Жадвал 5


Жарроҳликдан кейинги узоқ муддатли даврда кузатилган қайталанувчи варикоцелели беморлар сони

Гемодинамик тур	Жарроҳлик турига қараб қайталанишлар сони				Жами (n=236)	
	Таққослаш гуруҳи n=105		Асосий гуруҳ (n=131)			
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
I тур	-	-	-	-	-	-
II тур	4	3,8	1	0,8	6	2,5
III А тур	1	0,9	1	0,8	3	1,3
III В тур	1	0,9	-	-	1	0,4
Жарроҳлик олди даврда гемод.тур аниқланмаган	10	9,5	-	-	10	4,2
Жами	16	15,1	2	1,5	18	7,6

Касалликнинг клиник кечишига, жарроҳлик муолажасининг бевосита ва узоқ кейинги натижаларига асосланиб, варикоцеле билан оғриган беморларни диагностик ва даволаш алгоритми ишлаб чиқилди (расм 2.).

Операциядан кейинги даврда биз операция қилган беморларнинг ҳаёт сифатини аниқлаш учун катамнестик кузатув пайтида 20 ёшдан ошган 96 та беморнинг репродуктив функциясини ўрганиб чиқдик.

6 жадвалда қиёсий таҳлил қилиш учун жарроҳлик даволашдан олдин ва кейин олинган эркакларнинг эякуляти ўрганилган ва натижалари келтирилган. Эякуляциянинг барча параметрлари учун рақамли кўрсаткичларнинг юқори тарқалиши кузатилди. Жарроҳликдан олдин ҳар бир параметрнинг қиймати ўсмирларники билан бир хил қийматга тенг эканлиги аниқланди. Жарроҳликдан сўнг сперматозоидларнинг ҳаракатланиш даражаси ўзгармади; жинсий хужайраларнинг нормал шакллари сони кўпаймади.



Расм. 2. Варикоцеле билан оғриган беморларни юритишининг даволаш-тактик алгоритми

Жарроҳликдан олдин ва кейин, спермограммаси олинган 96 беморнинг 72 (75%) таси кузатув натижасида 1 ёки 2 болали оилаларга эга бўлиши аниқланди. Қолган 24 (25%) эркакларнинг 12 таси (12,5%) турмуш қурмаган. Яқинда турмуш қурган қолган 12 та (12,5%) беморларда 8 таси (8,3%) никоҳда фарзанд кўришган, 4 таси (4,2%) эса қийинчиликларга дуч келмоқдалар, айтиб ўтилган беморлар қиёсий гуруҳга кириб ва варикоцеле кайтаришидан даволаш олган эдилар.

Жадвал 6

Жарроҳликдан сўнг катамнестик текширувдан ўтган беморларнинг сперматогенез ҳолати (n=96)

Кўрсаткичлар	ЖССТ меъёрлари	Жарроҳликдан олдин	Катамнезда	P
Бемор ёши		27,3±0,5	29,1±0,8	0,061617
Эякулят ҳажми (мл)	2,0-6,0	3,5±0,1	4,1±0,2	0,009611
Сперматозоидлар концентрацияси (млн/мл)	20 зиёд	61,3±3,0	63,8±2,1	0,497666
Тирик сперматозоидлар (%)	50 зиёд	63,9±1,6	63,7±3,3	0,448441
Фаол ҳаракатланувчи сперматозоидлар (%)	25 зиёд	21,7±1,7	29,2±1,2	0,286216
Суст ҳаракатланувчи (%)	25 зиёд	23,4±1,1	23,7±2,0	0,895913
Нормал морфология (%)	50 зиёд	36,1±1,0	36,2±2,3	0,968339
Сперматогенез хужайралари (%)	1-2	2,4±0,1	2,2±0,2	0,374991

7-жадвалда қиёсий таҳлил қилиш учун жарроҳлик даволашдан сўнг текширилаётган беморларда эякулятни ўрганиш натижалари кўрсатилган. Эякулятнинг барча параметрлари учун рақамли кўрсаткичларнинг юқори тарқалиши кузатилди. ЖССТ нормаси билан таққослаганда ҳар бир параметрнинг қиймати ўрганилаётган беморларникининг қийматларига яқин эди. Амалиётдан сўнг сперматозоидларнинг ҳаракатланиш даражаси норма чегарасида эди, жинсий хужайраларнинг нормал шакллари сони кўпаймади.

7-жадвалда текширув давомида варикоцеле аниқланган 20 ёшдан ошган 17 беморларда сперматогенез ҳолатини баҳолаш натижалари кўрсатилган. 17 беморнинг 3 тасида биттадан бола бор эди, аммо бу беморлар узоқ вақт давомида иккинчи фарзанд кўришмадилар. Ушбу гуруҳдаги 10 та бемор пуштсиз никоҳга эга эдилар. Ушбу беморларнинг жарроҳликдан олдин ва 6 ой ёки 1 йилдан сўнг спермограммалари текширилди (ушбу гуруҳга касалликнинг қайталаниши билан ўсмирлик даврида Иванисевич ёки Паломонинг операцияси ўтказилган 4 нафар бемор ҳам киритилган). Ушбу беморларнинг 1 нафари 1та болали эди, аммо у иккинчи фарзанд кўришни режалаштирган). Барча беморлар гемодинамик тури бўйича операция

килинди. Олинган натижалар эякуляция параметрларининг нормал, катталар учун ЖССТ стандартларига мос келадиган натижаларини кўрсатди

Жадвал 7.

Жарроҳликдан олдин ва кейин варикоцеле бўлган бир гуруҳ эркакларда сперматогенези ва жинсий безларнинг функцияси (n=17)

Кўрсаткичлар	Жарроҳликдан олдин	Катамнезда	ЖССТ меъёрлари	P
Эякулят хажми (мл)	3,5±0,1	3,8±0,8	2,0-6,0	0,259325
Сперматозоидлар концентрацияси (млн/мл)	36,0±33,0	61,0±33,0	20 зиёд	0,915370
Тирик сперматозоидлар (%)	42,0±4,0	77,0±4,0	50 зиёд	0,019002
Фаол ҳаракатланувчи сперматозоидлар (%)	29,0±14,0	36,0±14,0	25 зиёд	0,960042
Суст ҳаракатланувчи (%)	25,0±6,0	23,0±6,0	25 зиёд	0,906946
Меъёрий шакллар (%)	31,0±11,0	37,0±11,0	50 зиёд	0,949158
Сперматогенез хужайралари (%)	2,3±0,3	2,0±0,3	1-2	0,484782
Фруктоза (мм/л)	14,0±4,3	13,0±4,3	13,0 зиёд	0,870450
Лимон кислотаси (мм/л)	13,1±5,3	13,9±5,3	53,0 зиёд	0,915688
Рух ионлари (мм/л)	0,9±0,3	1,5±0,3	2,0 зиёд	0,167265

2016 йилдан бошлаб, эркаклар репродуктив фаолияти биз томонимиздан ишлаб чиқилган дастур билан ўрганилди (ЭВМ дастури расмий рўйхатдан ўтганлиги №DGU 05025, Ўзбекистон Республикаси интеллектуал мулк агентлиги «Варикоцеле билан касалланган эркакларда ҳар хил турдаги жарроҳликлардан сунг репродуктив ҳолатини баҳолаш ва башорат қилиш дастури»). Ушбу дастур ўз ичига объектив ва субъектив белгиларини олиб, варикоцелэктомиядан сўнг эркаклар репродуктив ҳолатини баҳолаш учун инструментал маълумотлардан фойдаланади (расм 3).

Операциядан кейинги даврда объектив белгилар ва инструментал маълумотларга асосланиб, дастурда тўпланган балларнинг мавжудлигига кўра бизнинг клиникамизда болалик даврида турли усуллар билан варикоцелэктомия қилинган 96 нафар эркакларнинг репродуктив ҳолати баҳоланди. Улардан 17 (17.7%) та эркаклар таққослаш гуруҳидан ва 79 (82.3%) та эркаклар асосий гуруҳдан эдилар (8-жадвал). Барча текширилган эркаклар 3 та асосий кичик гуруҳларга бўлинди: 1-кичик гуруҳ-14 дан 20 гача балл тўплаган эркаклар ижобий башорат сифатида баҳоланди, натижаси яхши ва кейинги даволанишга шарт эмас; 2- кичик гуруҳ 7 дан 13 гача балл тўплами билан - ўртача натижа қониқарли, комплекс реабилитация (даволовчи бадан тарбия, микроциркуляцияни яхшилайдиган дорилар, такрорий жарроҳликлар, гормон терапияси); 3 – кичик гуруҳ 0 дан 6 гача

баллар тўплами билан бўлганлар –қониқарсиз башорат (қайталаниш, мойклар истисқоси, мойклар атрофияси, гормонал ўзгаришлар, бепуштлик).

Жадвал 8.

Турли хил варикоцеле жарроҳликларидан кейин эркаклардаги репродуктив ҳолатни баҳолаш ва прогнозлашга қараб беморларни тақсимлаш

Текширилувчи гуруҳлар	Текшириш натижалари					
	Ижобий		Қониқарли		Қониқарсиз	
	абс.	%	абс.	%	абс.	%
Таққослаш гуруҳи (n=79)	43	54,4%	24	30,4%	12	15,2%
Асосий гуруҳ (n=17)	14	82,4%	2	11,8%	1	5,8%
Гуруҳлар χ^2 орасидаги мезон	$\chi^2 = 25,023$; критик қиймат $\chi^2 = 9,21$ (p=0,01); p<0,001					
Жами (n=96)	57	59,4%	26	27,1%	13	13,5%

8-жадвалдан кўриниб турибдики, асосий гуруҳдаги эркакларнинг репродуктив ҳолати таққослаш гуруҳидаги эркаклардан фарқли равишда яхшиланди. Шундай қилиб, асосий гуруҳда ижобий натижа 82,4% ни (17 та эркакдан 14 тасида) ташкил этган бўлса, таққослаш гуруҳида бу кўрсаткич 54,4% ни (79 тадан 43 тасида) ташкил этди. Умуман олганда, барча натижалар учун асосий гуруҳда анча яхши қиймат олинди (гуруҳлар ўртасида мезон $\chi^2 = 43.087$; Df=3; p<0,001).

Хулосалар

1. Варикоцеле билан оғриган беморларни жарроҳлик даволашининг таҳлили 15% ҳолларда касалликнинг қайталанишини кўрсатди, бу ҳолат гемодинамика турлари ҳисобга олинмаганлиги билан боғлиқ эканлиги аниқланди.

2. Морфологияни ўрганиш шуни кўрсатдики, веналарнинг ичида тромблар ҳосил бўлиши содир бўлади, бу эса эритроцитларнинг патологик шакллари ҳукмронлигига боғлиқ бўлиб, ўз навбатида гипоксия, мойк гипотрофиясига олиб келади ва бепуштликнинг ҳам сабаби бўлади.

3. Қон оқимининг турини ҳисобга олган ҳолда ишлаб чиқарилган даволаш усули кам травматик ва қайталаниш имкониятини истисно қилади.

4. Тавсия этилган варикоцелени жарроҳлик даволаш усули асоратлар сонини 24,8% дан 2,3% гача камайтирди.

5. Варикоцеле билан оғриган беморлар учун даволаш тактикаси алгоритми ишлаб чиқилди ва амалга оширилди, натижада қайталанишлар сони 15.2% дан 1,5% гача камайишди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12. 2019.Tib.102.01 ПРИ
САМАРКАНДСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ**

**САМАРКАНДСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

КОДИРОВ НИЗОМИДДИН ДАМИНОВИЧ

**СРАВНИТЕЛЬНАЯ ОЦЕНКА РАЗЛИЧНЫХ МЕТОДОВ
ХИРУРГИЧЕСКОГО ЛЕЧЕНИЯ ВАРИКОЦЕЛЕ**

14.00.35 – Детская хирургия

**АВТОРЕФЕРАТ
ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD) ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

САМАРКАНД - 2020

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за В2019.3.PhD/TIB1056.

Диссертация выполнена в Самаркандском Государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице Научного совета (www.rscs.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: Шамсиев Азамат Мухитдинович
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты: Минаев Сергей Викторович
доктор медицинских наук, профессор

Ахмедов Юсуфжон Махмудович
доктор медицинских наук, профессор

Ведущая организация: Кировский Государственный
Медицинский Университет

Защита диссертации состоится «23» декабрь 2020 г. в 16⁰⁰ часов на заседании Научного совета PhD.04/30.12.2019.Tib.102.01 при Самаркандском Государственном медицинском институте. Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс:(+99866) 233-30-34, e-mail: ilmiyprorektori@sammi.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Самаркандского Государственного медицинского института (зарегистрирована за №40754). Адрес: 140100, г.Самарканд, улица Амира Темура, дом 18. Тел./факс: (+99866) 233-30-34.

Автореферат диссертации разослан «17» декабрь 2020 года.
(протокола рассылки №__ от _____ 2020 года).

Ж.О. Атакулов

Заместитель председателя научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор

Г.З. Шодикулова

Ученый секретарь научного совета по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук

Н.М. Шавази

Заместитель председателя научного семинара при научном совете по присуждению ученых степеней, доктор медицинских наук, профессор



ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации (PhD) доктора философии)

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным ВОЗ, «...этиология мужского бесплодия в настоящее время представлена почти 30 причинами. В этом случае идиопатическая форма составляет до 16-25% всех случаев и варикоцеле является причиной бесплодия у 9-40% пациентов»³. Такие большие различия в этих показателях указывают на дискуссионность этой ситуации. Распространенность варикоцеле среди детей и подростков в возрасте 10-18 лет достигает 19%. Раннее выявление варикоцеле позволяет скорректировать нарушение фертильности и сохранить репродуктивную функцию в детородном возрасте. Подростки, как будущие отцы, в социальном плане представляют демографический потенциал. Поэтому эта болезнь привлекает повышенное внимание не только с медицинской, но и с социально-демографической позиции.

На мировом уровне имеется ряд исследований направленных на изучение причин развития данной патологии, его распространённости и методов лечения. Высокий процент рецидивов варикоцеле и других осложнений после различных ранее предложенных хирургических методов стал стимулом для широкого внедрения в клиническую практику таких вмешательств, как эндоваскулярное лечение и микрохирургическая субингулярная варикоцелэктомия. Эти операции показали высокую эффективность. Однако среди урологов нет единого мнения относительно оптимального метода хирургической коррекции варикоцеле.

В настоящее время в отечественном здравоохранении приняты масштабные целенаправленные меры для радикального улучшения качества и значительного расширения спектра медицинской помощи, оказываемой населению. В то же время для улучшения помощи, оказываемой пациентам с бесплодием при варикоцеле, необходимы основанные на фактических данных результаты для оценки эффективности хирургического вмешательства с учетом долгосрочной профилактики рецидивов заболевания. В «стратегии действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017 - 2021 годы»⁴ поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности.

Данное диссертационное исследование в определенной степени служит выполнению задач, утвержденных Постановлением Президента Республики Узбекистан «О мерах по дальнейшему развитию специализированной медицинской помощи населению Республики Узбекистан на 2017-2021 годы» за № ПП-3071 от 20 июня 2017 года, Указом Президента Республики Узбекистан от 7 декабря 2018 г. № ПФ-5590 «О комплексных мерах по

³World Health Report. Geneva: World Health Organization. Available from URL: <http://www.who.int/whr/2018/en/statistics.htm>, 2018.

⁴Указ Президента РУз от 07.02.2017 г. N УП-4947 «О стратегии действий по дальнейшему развитию Республики Узбекистан». Сборник законодательных актов.

коренному совершенствованию системы здравоохранения Республики Узбекистан», а также другими нормативно-правовыми документами, принятыми в данной сфере.

Соответствие исследования приоритетным направлениям развития науки и технологий республики. Диссертационное исследование выполнено в соответствии с приоритетным направлением развития науки и технологий республики VI «Медицина и фармакология».

Степень изученности проблемы. Изучение результатов хирургического лечения больных рецидивным варикоцеле, разработка диагностики и хирургической тактики, комплекса мероприятий по профилактике рецидива заболевания является одним из актуальных направлений.

Существующие методы хирургического лечения не во всех случаях избавляют пациента от бесплодия и не могут гарантировать возникновение рецидива заболевания. Так по мнению Жукова О.Б и др. (2016)., Dunphy L. (2019)., «венозная почечная гипертензия слева из-за сдавления устья левой почечной вены (аорто-мезентериальным пинцетом) приводит к развитию ретроградного тока крови по левой яичковой вене, при этом, как следствие, возникает варикоцеле». Поэтому до сих пор существует мнение, что перевязка левой семенной вены является патогенетически обоснованным методом лечения, поскольку одной из основных причин варикоцеле является нарушение венозного оттока через систему левой почечной вены и его клапанная недостаточность. Тем не менее, это состояние также возможно у здоровых людей, поэтому остается неясным, почему не у всех есть варикоцеле. Несмотря на большое количество предлагаемых методов операций, выбор оптимального метода хирургического лечения варикоцеле остается предметом обсуждения (Гуревич А. И., 2016., Расулов Ж.Д., 2019). До последних лет общепринятым методом лечения варикоцеле в урологии и детской хирургии была операция Иванисевича - перевязка вен яичка в забрюшинном пространстве, которая считалась наиболее оправданной. Однако большой процент рецидивов после операции Иванисевича, особенно в педиатрической практике - до 43%, привел к поиску новых, модифицированных методов, которые были направлены на улучшение результатов лечения варикоцеле. Возникновение рецидивов объясняют тем, что остаются не перевязанными более мелкие вены-сателлиты яичковой вены, коллатерали, даже основные или дополнительные стволы.

